

2.1. Шартноманинг тахминийт умумий суммаси 12247061 — сўмни ташкил қилади.

2.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси олинган куни сотилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишли хажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар “Таъминотчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефть маҳсулотлари “Таъминотчи”нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нухаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га унинг сўровига асосан “Таъминотчи”нинг маҳсулоти автотранспортда белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини, шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнғин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсулоти транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефть маҳсулотлари омборига нефть маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қуйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўш кетган ҳолларда “Таъминотчи” жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортда олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Таъминотчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мўе тарзда таъминланади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини сотилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар “Таъминотчи”нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда расмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга рақолат беришган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгаллик ҳуқуқи тасодифий нобул бўлиши, нефть маҳсулотларига зиён етиш хавфи “Таъминотчи” омбори ёки АЎҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

5. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ